



“Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва устувор вазифалар” мавзусида маҳалла аҳоли вакиллари билан давра суҳбати ташкил этилди.



2022-йил 4-апрел куни Қумқўрғон туман "Катта кўл" маҳалласида жойлашган туман Халқ таълим бўлимига қарашли 35-сонли умумтаълим мактабида туман

Маънавият ва маърифат бўлинмаси ҳамда “Катта кўл” МФЙ ходимлари ҳамкорликда “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган мақсад ва устувор вазифалар” мавзусида маҳалла аҳоли вакиллари билан давра суҳбати ташкил этилди.

Давра суҳбатида туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси раҳбари Ш.Мамадиев ва туман Маънавият ва маърифат бўлинмаси бош мутахассиси Ш.Жўраевалар томонидан аҳолига мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни етказиш мақсадида тарғибот ишлари олиб борилди.

Давра суҳбатида 20 нафардан ортиқ "Катта кўл" маҳалла фуқаролари иштирок этишди.